



**АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ОРҚАЛИ
СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ
ОБЪЕКТИВ БЕЛГИЛАРИ**

Бердиев Сурур Кахрамонович

Ўзбекистон Республикаси

Криминология тадқиқот

институту мустақил

изланувчиси

Аннотация

Ушбу мақола тадқиқотчининг “Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрликка қарши курашишнинг жинойий-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш” мавзусидаги тадқиқоти асосида тайёрланган.

Мазкур мақолада муаллиф ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари объектив белгиларининг жинойий-ҳуқуқий таҳлили ҳақида батафсил тушунтириш берган.

Ушбу мақола билан муаллиф ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг тамомланиш вақти анъанавий порахўрлик жиноятларининг тамом бўлиш вақти билан бир хил эмаслигини асослаб бериб, Жиноят кодексининг 210-моддасининг иккинчи қисмидаги қилмиш таъмагирлик орқали содир этилса, унинг ушбу модданинг биринчи қисми билан, товламачилик орқали содир этилса, у ҳолда, уни иккинчи қисми билан квалификация қилиш мақсадга мувофиқ эканлигини таъкидлаб ўтган ва уни асослаб берган, шунингдек, ҳар бир порахўрлик жиноятларининг объектив белгиларини юридик таҳлил қилган.



Калит сўзлар: жиноят, порахўрлик, ахборот-коммуникация технологиялари, объект, субъект, объектив томон, субъектив томон, жиноят тамом бўлиш вақти, жиноят предмети, жиноят воситаси, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Аннотация

Данная статья подготовлена на основе исследования автора на тему «Совершенствование уголовно-правовых мер борьбы с коррупцией, совершаемой с использованием информационно-коммуникационных технологий».

В данной статье автор подробно разъясняет уголовно-правовой анализ объективных признаков преступлений взяточничества, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий.

В статье автор обосновывает, что момент окончания преступлений взяточничества, совершаемых с использованием информационно-коммуникационных технологий, не совпадает с моментом окончания традиционных преступлений взяточничества, и отмечает, что если деяние совершено путем вымогательства, то целесообразно квалифицировать его по первой части статьи 210 Уголовного кодекса, а если оно совершено путем шантажа, то — по второй части данной статьи, при этом обосновывает свою позицию, а также проводит юридический анализ объективных признаков каждого преступления взяточничества.

Ключевые слова: преступление, взяточничество, информационно-коммуникационные технологии, объект, субъект, объективная сторона, субъективная сторона, момент окончания преступления, предмет преступления, средство совершения преступления, коррупция, киберкоррупция, концепция.

Annotation

This article was prepared based on the author's research on the topic "Improvement of criminal-legal measures to combat bribery committed using information and communication technologies."

In this article, the author provides a detailed criminal-law analysis of the objective elements of bribery crimes committed using information and communication technologies.

In the article, the author substantiates that the moment of completion of bribery crimes committed using information and communication technologies does not coincide with the moment of completion of traditional bribery crimes, and notes that if the act is committed through extortion, it is appropriate to qualify it under Part One of Article 210 of the Criminal Code, and if it is committed through blackmail, then under Part Two of this article, while substantiating this position, and also conducts a legal analysis of the objective elements of each bribery crime.

Keywords: crime, bribery, information and communication technologies, object, subject, objective side, subjective side, moment of completion of a crime, предмет преступления, means of committing a crime, corruption, cybercorruption, concept.

Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноятларнинг объектив белгиларига жиноят объекти ва объектив томони киритилади. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг объектив белгилари ҳақида сўз юритилганида Жиноят кодексимизнинг моддалари объектга нисбатан шакллантирилганлигини инобатга олиш даркор. Бу турдаги жиноятлар билан Жиноят кодексининг ХХ¹-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан ўзаро фарқ қилишини ҳамда бу турдаги жиноятларда умумий қасд порахўрликни амалга ошириш учун ахборот-коммуникация

технологияларидан усул ёки восита сифатида фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралашиб, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига ҳамда бошқарув тартибига тажовуз қилишга қаратилган бўлса, Жиноят кодексининг ХХ¹-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг умумий қасди ахборот-коммуникация технологиялари, тизимлари, қурилмалари, усқуналари, тармоқ, алоқа ва воситаларга, шунингдек, улардаги ахборотга қаратилган бўлади.

Шунга кўра, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятлари Жиноят кодексининг ХХ¹-бобида назарда тутилган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан ўзаро фарқ қилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги жиноятлар ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятлари, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларидан ҳам фарқ қилишини унутмаслик керак. Бунда, ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлари ҳам ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятларнинг таркибий қисми саналади, шунингдек, ахборот технологиялари ёрдамида ёки ундан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида жиноят иштирокчилари ўзаро телефон, планшет, компьютер ёки бошқа алоқа воситаси орқали ўзаро алоқага киришишда ахборот технологияларидан фойдаланиб, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермакonda ёки оdatдаги шарoитда ёхуд аралаш ҳoлатда жиноят содир этишлари мумкин, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлари эса, нафақат ахборот технологияларидан фойдаланиб, балки телекоммуникация технологиялари, нейрон технология, сунъий интеллект технологияси ёки ахборот-коммуникация технологияларининг таркибига кирувчи бошқа технология ва воситалар орқали жиноят содир

этиши мумкин ва шу жиҳатдан бу турдаги жиноятлар ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган жиноятларга қараганда жиноят содир этиш усули бўйича бир мунча кенг маъно касб этади. Ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятлари билан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятлар ҳам ўзаро фарқ қилади ва бунда жиноятни содир этиш воситаси ёки қуроли ахборот технологиялари ёрдамида содир этилган порахўрлик жиноятларида биринчи ўринда аҳамиятга эга бўлмайди, бироқ ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида бу муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Шунга кўра, юқоридаги жиноятларнинг зарурий белгиларини ифодалашда жиноят қонунчилиги бўйича жиноят ҳуқуқи назариясида кўрсатилган зарурий белгилар умумий зарурий белгилар бўлса, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жиноятларида қилмишнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши махсус зарурий белги ҳисобланишини, башарти бу қилмиш кибержиноят тарзида содир этилса, у ҳолда, кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон ҳам зарурий белги бўлишини унутмаслик даркор.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг зарурий белгилари объектга ҳам боғлиқ бўлади, бунда, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **умумий объектини** шахс, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари, мулк, табиий муҳит, тинчлик, инсоният хавфсизлиги ташкил этади ва бу Жиноят кодексининг асосий вазифасидан келиб чиқиб белгиланади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **махсус объектини** иқтисодиёт соҳаси,

хокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби ташкил қилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **турдош объектини** эса, тадбиркорлик фаолияти, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда бошқарув тартиби ташкил этади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **бевосита объекти** эса, турлича бўлиши мумкин ва бу Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, қачонки ушбу Кодекс билан жиноят деб кўрсатилган алоҳида моддада назарда тутилган бўлса ва у порахўрлик белгиларига эга бўлса, қасд унга қаратилган тақдирда бевосита объект тўлиқ шаклланади.

Бевосита объект уч турга бўлиниши ва улар асосий, қўшимча ва факультатив объект шаклида бўлиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг **асосий бевосита объекти** Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰-, 210-214²-моддаларида назарда тутилган ҳаракатлар қаратилган тажовуз объектлари ҳисобланса, қўшимча бевосита объекти ахборот-коммуникация технологиялари, тизими ва воситалари ҳамда уларнинг муҳофазаланиши ва хавфсиз ривожланишига оид ижтимоий муносабатлар саналади. Бироқ, асосий бевосита объекти қаратилган порахўрлик жиноятлари турлича усулларда содир этилганига қараб бу турдаги жиноятларнинг бевосита асосий объекти қаратилган жиноятлар тури кўпайиб бориши мумкин.

Факультатив бевосита объекти эса, асосий ва қўшимча объектга боғлиқ бўлган муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар саналади, мисол учун жамоат хавфсизлиги бўлиши мумкин.

Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг бевосита объекти

М.Х.Рустамбоев фикрича нодавлат нотижорат ташкилотининг ва бошқа нодавлат ташкилотлари бошқарув аппаратини нормал фаолиятини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар, мазкур ташкилот хизмат манфаатларидан иборат¹.

Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, бу турдаги жиноятларнинг бевосита объектини аниқлашда уларнинг махсус ва турдош объектлар билан ўзаро боғлиқлигига ҳам аҳамият бериш даркор. Хусусан, Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти ушбу Кодекс Махсус қисмининг учинчи бўлимидаги иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва XIII¹ бобидаги Тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралashiш билан боғлиқ жиноятлар ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тажовуз қиладиган бошқа жиноятлар сафига киритилган. Демак бевосита объектини белгилашда қуйидагиларни инобатга олиш даркор:

бевосита объект иқтисодиёт соҳасига дахлдор бўлиши керак ва ушбу соҳага тажовуз қаратилган бўлиши даркор;

тажавуз туфайли тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралashiш ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахл қилиш билан боғлиқ ҳолат вужудга келади.

Шунга кўра, ушбу ҳаракатлар вужудга келмаслиги учун юқоридагиларга нисбатан тажовуз қаратилмаслиги ва унинг муҳофаза қилинишини инобатга олиш керак. Шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг бевосита **объекти** иқтисодиёт соҳаси, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва тадбиркорлик

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 474-б.

субъектлари фаолияти, улар мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятлари саналади. Айнан мана шу мажбуриятларнинг бузилиши учун қасддан моддий қимматликлар бериш ёки уни мулккий манфаатдор этиш Жиноят кодексининг 192⁹-моддасида назарда тутилган тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти вужудга келишига сабаб бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2024 йил 23 декабрь кундаги №1-1005-2401/447-сонли жиноят иши бўйича ҳукмига кўра,

Д.У 2024 йил май ойидан буён Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шугулланувчи нотариус лавозимида фаолият юритиб келиб, нодавлат тижорат ташилотининг мансабдор шахси бўла туриб, ўз ваколатларидан гараз ва паст ниятларда қасддан фойдаланиб, 2024 йил 2 август кун Яшнобод тумани, Авиасозлар даҳаси, Лисунова-4 кўчаси, 4-уй манзилида жойлашган хизмат хонасида бўла туриб, хизмат вазифасидан келиб чиқиб содир этиши лозим бўлган муайян нотариал ҳаракатни, яъни фуқаро Юнусов Улугбек Абдурахимовичга суммаси 100.000 АҚШ доллари бўлган қарз шартномасини расмийлаштириб бериш эвазига ундан жами қиймати 3.772.464 сўмга тенг бўлган 300 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни пора тариқасида олган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ашёвий далиллар билан ушланганлиги учун Д. У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 192⁹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилб, ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинган².

Мазкур вазиятда Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” 1996 йил 26 декабрдаги 343-И-сон Қонунига асосан, нотариус қонунчиликка мос келмайдиган нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этиши, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш чоғида фуқаролар ёки мансабдор шахслар томонидан қонунийлик бузилганлигини аниқлаган

² <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.

тақдирда, зарур чора-тадбирлар кўрилиши учун тегишли корхоналар, муассасалар, ташкилотларга ёки прокурорга бу ҳақда хабар қилиши шарт³, деган мажбуриятни нотариус бажармаганлиги оқибатида ЖКнинг 192⁹-моддасида назарда тутилган қилмиш вужудга келган.

Жиноят кодексининг 192¹⁰-моддасида назарда тутилган нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг объекти махсус ва турдош объекти бир хил ҳисобланади.

М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, ушбу жиноятнинг бевосита объекти нодавлат ноижорат ташкилотларининг эркин фаолиятини давлат томонидан кафолатлаб бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, нодавлат ноижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш соҳасидаги, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилоти ходимининг қонунда белгиланган тартибда эркин фаолият юритишини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир⁴.

Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди кассация судлов ҳайъатининг 2019 йил 27 июндаги 4-08/120-19-сон жиноят иши бўйича чиқарган ажримига кўра, “Ўзавтосаноат” АК тизимида қарашли автосалонлардан фуқаролар ва юридик шахсларга автомашина олиб бериш ваколатига эга бўлмасида, гаразли мақсадларда ноқонуний бойлик орттириш ва бунинг замирида сохта обрў-эътибор қозониш мақсадида “Вобкент автотеххизмат” МЧЖдан “Спарк” русумли автомашина олиб беришни ваъда қилиб, бунинг эвазига 400 АҚШ долларини хизмат ҳақи сифатида бериш лозимлигини айтиб, ушбу пул маблағларини жабрланувчидан олаётган вақтида ушланган ва айбдор Ғ.Т.га нисбатан ЖКнинг 25-, 168- ва 192¹⁰-моддалари бўйича жарима жазоси қўлланилган.

³ Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” 1996 йил 26 декабрдаги 343-И-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 478-б.

Демак, мазкур вазиятда “Вобкент автотеххизмат” МЧЖ тадбиркорлик субъекти саналади ва айбдор Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонунига асосан, тадбиркорлик фаолиятининг мустақиллигига қасд қилган.

Зеро, ушбу Қонуннинг 21-моддасига асосан, **тадбиркорлик фаолияти субъектлари ўз пул маблағларини мустақил равишда тасарруф этади**⁵. Айбдор эса, “Вобкент автотеххизмат” МЧЖ раҳбари эмас.

Шунга кўра таъкидлаш керак, Жиноят кодексининг 192¹⁰-моддасида назарда тутилган нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг бевосита **объекти** нодавлат нотижорат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг эркинлиги кафолатлари ҳисобланади.

Жиноят кодексининг 210-214²-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг махсус объекти ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар бўлса, турдош объектини бошқарув тартибини кўриқловчи ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Жиноят кодексининг 210-моддасида назарда тутилган пора олиш жиноятининг бевосита объекти М.Х. Рустамбоевнинг фикрича ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар саналади⁶.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 554-б.

Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, қуйидагиларни таъкидлаб ўтиш даркор. Хусусан:

Жинойят ишлари бўйича Сарииосиё туман судининг 2025 йил 18 июлдаги №1-1911-2501/84-сон жинойят иши бўйича чиқарган ҳукмига асосан, судланувчи Г.Исматов 2024 йил февраль ойидан 2025 йил 7 апрель кунига қадар Сарииосиё туманидаги 32-сонли умумий ўрта таълим мактаби директори лавозимида ишлаб келиб, мансабдор шахс бўла туриб, ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда Сарииосиё тумани “Шабнам” МФЙда яшовчи фуқаро Холбобоев Қудрат Эркин ўғли 32-сонли умумий ўрта таълим мактабида ўқимаган бўлса-да, пора бераётган шахсининг манфаатларини кўзлаб, ушбу мактабни 9 йил ўқиганлиги ҳақида маълумотнома бериб, ушбу маълумотномага асосан туман адлия бўлиmidан рухсатнома олиб, белгиланган имтиҳонлардан Хужжат имзоланган: Тилавов Толиб Бекжонович, 19.07.2025 1-1911-2501/84 2 ўтказиб, расмий хужжат ҳисобланадиган шаҳодатнома тайёрлаб беришни ваъда қилиб, эвазига К.Холбобоевдан қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар, яъни 700 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни пора тариқасида талаб қилиб, ўғли Юсупов Хусниддин Фулом ўғли орқали 600 АҚШ доллари (ЎзР Марказий банки томонидан белгиланган қийматга кўра, 1 АҚШ доллари 07.04.2025 йилда 12947.20 сўм бўлган. 600 АҚШ доллари эса 7 768 320 сўмга тенг) ва 1 300 000 сўм пулларни Сарииосиё тумани “Ниҳолзор” МФЙ ҳудудида 2025 йил 7 апрель кунини соат 13:40 ларда олганлиги Иқтисодий жинойятларга қарши курашиш Департаментининг Сарииосиё тумани бўлими ва Сарииосиё тумани ИИБ ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-тадбирда аниқланиб, фош этилган ва Судланувчи Исматов Гулам Юсупович (Ismatov Gulam Yusupovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жинойятни содир этганликда айбли деб топilib, судланувчи Исматов Гулам Юсупович Ўзбекистон

Республикаси ЖКнинг 210-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил муддатга Мактабгача ва мактаб таълим вазирлиги тизимида мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Мазкур вазиятда айбдор мактаб директори бўлмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ–637-сон Қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари, шунингдек хорижий давлатлар таълим ташкилотларининг филиаллари юридик шахс мақоми билан ташкил этилади. Давлат олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, шунингдек давлат иштирокидаги олий, ўрта махсус, профессионал таълим ташкилотлари ва уларнинг филиаллари Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилади. Демак, мактаб давлат тасарруфига қарайдиган мактаб бўлганлиги ва ўз қилмишини мактаб директори сифатида содир этганлиги боис, айбдор пора олиш ҳолати бўйича жиноий жавобгарликка тортилган.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 210-моддасида пора олиш деганда мансабдор шахснинг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлиши талаб қилинади. Шунга кўра, пора олиш жиноятининг бевосита объекти ҳокимият ёки бошқарув органларининг обрўси, уларнинг нормал фаолият юритилишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар саналмайди, балки улар кенгроқдир.

Хусусан, ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан, қонун чиқарувчи орган эса, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, ижро этувчи орган Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти,

Олий суд ва унинг тизимидаги судлардан⁷, бошқарув органлари эса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхатига асосан, вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекциялар ҳамда унинг тузилмасига кирувчи ташкилотлар киради⁸. Юқорида кўрсатилган суд ҳукмида назарда тутилган мактаб ҳам таълим ташкилоти сифатида бошқарув органлари тизимидаги ташкилот саналади ва шу сабабли суд айбдорни мансабдор шахс сифатида инобатга олган.

Энди бу гуруҳга кирмайдиган давлат органлари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари мансабдор шахслари томонидан пора олиш ҳаракати содир этилган бўлса, у ҳолда, М. Рустамбоевнинг фикрига суянадиган бўлсак, ушбу шахслар жавобгарликка тортилмаслиги зарур. Зеро, ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас, давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади, инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади⁹.

Шу сабабдан ҳам қонун чиқарувчи давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахс пора олиш субъекти бўлиши мумкинлигини аниқ кўрсатиб қўйган ва унга суянадиган бўлсак, нафақат ҳокимият ва

⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, қўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

бошқарув органлари, балки уларга кирмайдиган ташкилотлар, хусусан, Бош прокуратура, ДХХ, Ўзбекистон Республикаси Администрацияси ва унинг ҳузуридаги ташкилотлар ҳамда бошқа ташкилотлар, қолаверса, давлат улуши бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам кириши назарда тутилган. Агарда давлат улуши бўлмаса, бироқ пора олишга оид ЖКнинг 192⁹-192¹¹-моддаларида назарда тутилган қилмишларни содир этган бўлса, айбдорнинг ҳаракатлари ушбу модданинг тегишли қисмлари ва бандлари билан квалификация қилиниши даркор.

Шунга кўра, **пора олиш** жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятлари саналади.

Жиноят кодексининг 211- ва 212-моддаларида назарда тутилган пора бериш¹⁰ ва пора олиш-беришда воситачилик қилиш¹¹ жиноятининг бевосита объекти М.Х.Рустамбоевнинг фикрича пора олиш жиноятининг объекти билан бир хил. Бироқ, ушбу фикрларга тўлиқ қўшила олмаймиз, фақатгина Жинотя сабаби юқорида баён этганимиздек, пора олиш жиноятининг субъекти мансуб бўлган ташкилотларнинг қамров даражаси М.Х.Рустамбоев айтганидан кенгроқдир, қолаверса, пора бериш ҳамда пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятида мансабдор шахснинг мажбуриятлари тўғри бажарилишига пора берувчи тажавуз қилади ва шу орқали ўзининг ғаразли мақсадини амалга оширмоқчи бўлади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, **пора бериш** жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахслари фаолияти ҳамда уларнинг лавозим

¹⁰ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 562-б.

¹¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарх. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 565-б.

мажбуриятларининг мустақиллиги кафолатлари ва қонунийлиги бузилмаслигига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Қисқа қилиб айтганда пора олиш жиноятида давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бошқарув тартиби ва мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятларини таъминловчи ижтимоий муносабатлар бевосита объектни ташкил этса, **пора беришда** нафақат ушбу ижтимоий муносабатлар, шу билан бирга инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт¹², деган норма асосида мазкур ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг лавозим мажбуриятларининг мустақиллиги кафолатлари ва қонунийлиги бузилмаслигига оид ижтимоий муносабатлар ҳам **асосий бевосита объектни** ташкил этади.

Пора олиш-беришда воситачилик қилиш жиноятининг **асосий бевосита объекти** давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шунингдек, нодавлат ноижорат ташкилоти, тадбиркорлик субъекти, хўжалик юритувчи субъектнинг қонуний фаолияти, эркинлиги кафолатлари ҳамда мансабдор шахслари ва хизматчиларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари саналади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 213-моддасида назарда тутилган **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг** хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг **бевосита объекти** М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, бошқарув органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг

¹² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

обрўси ва нормал иш фаолиятини таъминловчи ижтимоий муносабатлар ҳамда фуқароларнинг манфаатлари ҳисобланади¹³.

Бироқ, ушбу фикрларга биз қўшила олмаймиз, сабаби қонун чиқарувчи хизматчининг қайси ташкилотга мансублигини аниқ кўрсатган ва унга кўра, **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисигина ушбу жинойтнинг жабрланувчиси бўлади.**

Шунга кўра, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органи ва унинг хизматчисининг нормал фаолияти, ўзининг мустақиллиги ва қонунийликка амал қилишига оид муҳофазаланадиган ижтимоий муносабатлар **давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини** пора эвазига оғдириб олиш жинойтининг **асосий бевосита объектини ташкил этади.** Қолган ташкилотлар хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳаракати эса, Жинойт кодексининг 192¹⁰- ёки 214²-моддаси билан квалификация қилинади.

Жинойт кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши жинойтининг бевосита объекти М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, давлат органлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, шунингдек, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг обрўси ва нормал фаолияти ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари саналади¹⁴.

¹³ Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 567-б.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жинойт кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 571-б.

Ушбу фикрларга қўшила олмаймиз, сабаби эса, қонун чиқарувчи юқоридаги моддаларни шарҳлаганимиздек, хизматчининг давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига тааллуқли бўлиши зарурлигини зарурий белги сифатида кўрсатган ва давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органидан ташқари хизматчиларнинг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши Жиноят кодексининг 192⁹- ёки 192¹⁰ ёхуд 214¹-моддасида назарда тутилган қилмишлар бўйича жавобгарликка тортилади.

Шунга кўра, ушбу жиноятнинг бевосита объекти давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонуний фаолияти ва улар хизматчиларининг лавозим мажбуриятларига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Жиноят кодексининг 214¹-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши жиноятининг **асосий бевосита объекти** спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг мажбуриятлари ҳамда спортнинг соғлом рақобат муҳитида ривожланишига оид ижтимоий муносабатлар саналади.

Жиноят кодексининг 214²-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятининг **асосий бевосита объекти** спортчи, тренер, спорт ҳаками ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонуний манфаатлари, уларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги, спортнинг соғлом рақобат муҳитида ривожланишига қаратилган ижтимоий муносабатлар саналади.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари объектив томондан турлича усулларда содир этилиши мумкин. Хусусан:

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 192⁹-моддасига асосан, тижоратда пора эвазига оғдириб олиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш;**

2) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш;**

3) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш;**

4) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс**



манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш;**

5) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахсинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора** эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш;**

6) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахсинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора** эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш;**

7) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахсинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора** эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш;**

8) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахсинг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора** эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш;**

9) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** уни **пора** эвазига ўзига



оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши;**

10) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши;**

11) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши;**

12) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти мансабдор шахсининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши.**

Мазкур жинойтларда объектив томонда назарда тутилган ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологиялари томонидан содир этилиши зарурий белги сифатида назарда тутилган.

Бироқ, юқорида содир этиш усули кўрсатилган 1-8-бандлардаги қилмишнинг такроран, кўп миқдорда ва бир гуруҳ шахслар томонидан, 9-12-бандлардаги қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, шунингдек, 1-12-бандлардаги қилмишнинг жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат сифатида зарурий белги ҳисобланади. Жинойт кодексининг 56-моддасидаги оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб

суд жазоларни қўллашда юқоридаги зарурий белгилар мавжудлигини инобатга олиши даркор.

Жиноятнинг башарти пора эвазига оғдириб олишни амалга оширган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкый манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган.

Бироқ, бу норма Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шартлигига зид саналади.

Жиноят кодексининг 192¹⁰-моддасида назарда тутилган нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жиноятини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида ушбу моддада инобатга олинмаган. Шунингдек, ушбу қилмиш объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

2) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни**

пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

3) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

4) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

5) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкый манфаатдор этиш** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

б) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб**

бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, уни мулкӣ манфаатдор этиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

7) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкӣ манфаатдор этиш,** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

8) нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкӣ манфаатдор этиш,** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

9) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши,** шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

10) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши **мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши,** шундай

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

11) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

12) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкӣ манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

13) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкӣ манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

14) нодавлат тижорат ташкилоти ёки бошқа нодавлат ташкилоти хизматчисининг ўз ваколатларидан фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкӣ манфаатдор бўлиши, шундай

ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса.

Ушбу жиноят биринчи қисмининг объектив томондан зарурий белгиси мазкур қилмиш учун олдин маъмурий жазо қўлланилганлигидан кейин содир этилиши ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 37-моддасига асосан, башарти маъмурий жазога тортилган шахс шу жазони ўташ муддати тугаган кундан бошлаб **бир йил мобайнида** янги маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этмаган бўлса, мазкур шахс маъмурий жазога тортилмаган деб ҳисобланади.

Шунга кўра, шахс Жиноят кодексининг 192¹⁰-моддасида назарда тутилган қилмишни маъмурий жазога тортилганидан кейин бир йил ичида содир этган тақдирда вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан қуйидагича содир этилади:

1) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиши лозим ёки мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига шахсан ўзи ёки воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши ёхуд мулкӣ манфаатдор бўлиши, —

1) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига шахсан ўзи** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

2) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига шахсан ўзи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;**

3) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига шахсан ўзи қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;**

4) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;**

5) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига воситачи орқали қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкӣ манфаатдор бўлиши;**

б) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора бераётган шахснинг манфаатларини кўзлаб**



бажариши эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкый манфаатдор бўлиши**;

7) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахсининг манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкый манфаатдор бўлиши**;

8) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

9) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши;

10) пора олиш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора бераётган **шахсининг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига **воситачи орқали** қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкый манфаатдор бўлиши.

Ушбу турдаги жинойтларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этганлик учун миллий жинойт



қонунчилигимизда алоҳида жавобгарлик мавжуд эмас ва зарурий белги сифатида қонун чиқарувчи инобатга олмаган.

Пора олиш ҳаракатининг такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 211 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилганлиги оғирлаштирувчи белги саналади.

Жиноят кодексининг 211-моддасида назарда тутилган пора бериш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

2) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

3) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

4) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали моддий қимматликлар бериш**;

5) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали уни мулкӣ манфаатдор этиш**;

6) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган **шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб **воситачи орқали моддий қимматликлар бериш**;

7) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб бажариши ёки бажармаслиги эвазига **қонунга хилоф эканлигини била туриб бевосита уни мулкӣ манфаатдор этиш**;

8) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг

манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита** уни мулкӣ манфаатдор этиш;

9) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита моддий қимматликлар бериш**;

10) пора бериш, яъни давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мансабдор шахсига мазкур мансабдор шахснинг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни** пора берган шахснинг манфаатларини **кўзлаб бажармаслиги эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб **бевосита уни мулкӣ манфаатдор этиш**.

Ушбу турдаги жиноятларни ахборот-коммуникация технологиялари орқали **содир этганлик** учун миллий жиноят қонунчилигимизда алоҳида жавобгарлик мавжуд эмас ва зарурий белги сифатида қонун чиқарувчи инобатга олмаган.

Пора бериш такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни **содир этган шахс** томонидан, кўп миқдорда, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини **кўзлаб содир этилганлиги** оғирлаштирувчи белги саналади.

Жиноят кодексининг 211-моддасига асосан, башарти, шахсга нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар **содир этилганидан кейин** бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади. Бироқ, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг

муқаррарлиги принципига зид, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага номувофиқ саналади.

Жиноят кодексининг 212-моддасида назарда тутилган пора олиш-беришда воситачилик қилиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора олиш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият;

2) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни пора бериш хусусидаги келишувга эришишга қаратилган фаолият;

3) пора олиш-беришда воситачилик қилиш, яъни манфаатдор шахсларнинг топшириғи билан порани бевосита бериш.

Ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши оғирлаштирувчи белгиси сифатида Жиноят кодексининг 212-моддасида назарда тутилмаган.

Бироқ, пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракати такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210 ёки 211-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида, бир гуруҳ мансабдор шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб пора олаётганлиги воситачига аён бўлган ҳолда, ҳақ эвазига, жуда кўп миқдорда пора олиш ёки бериш вақтида, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 212-моддасига асосан, башарти, пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс жиноий ҳаракатларни содир этганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод қилинади.

Бирок, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 213-моддасига асосан, давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

2) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан **фойдаланган ҳолда содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкӣ манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

3) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан **фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга

хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

4) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан **фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

5) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан **фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

6) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан **фойдаланган ҳолда содир этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатни** уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

7) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур

хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

8) давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисига мазкур хизматчининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **содир этиши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уни мулкий манфаатдор этиш**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

Ушбу жинойтнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши оғирлаштирувчи белгиси сифатида Жинойт кодексининг 213-моддасида назарда тутилмаган.

Бироқ, ўша ҳаракатлар анча миқдорда, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жинойт кодексининг 210-212-моддаларида назарда тутилган жинойтларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши ушбу жинойтни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жинойт кодексининг 213-моддасига асосан, башарти моддий қимматликлар берган ёки мулкий манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкий манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жинойий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон

бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилади.

Жиноят кодексининг 213-моддасида назарда тутилган жиноятнинг зарурий белгиси ушбу ҳаракат учун шахснинг маъмурий жазо қўллаб бир йил ичида қайта шундай ҳаракатни содир этганлиги ҳисобланади.

Бироқ, бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши** ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

2) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

3) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган лозим ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

4) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

5) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши** ёки мулкий манфаатдор бўлиши, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

б) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини

била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

7) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган лозим ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

8) давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг ўз хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни уни пора эвазига ўзига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса;

Юқоридаги жиноятнинг зарурий белгиси ушбу қилмиш учун шахснинг олдин маъмурий жазога тортилганлиги ва бир йил ичида ўша ҳаракатни қайта содир этганлиги саналади.

Бироқ, ушбу қилмишни ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши мазкур жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланиши ҳақида Жиноят кодексининг 214-моддасида бирон бир қоида назарда тутилмаган.

Жиноят кодексининг 214-моддасида назарда тутилган қилмишнинг анча миқдорда, тамагирлик йўли билан, такроран, хавфли рецидивист ёки илгари Жиноят кодексининг 210-212-моддаларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахс томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ

шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб., тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши муносабати билан шахсга нисбатан тамагирлик йўли билан, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214¹-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкый манфаатдор бўлиши жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

2) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига** қонунга хилоф эканлигини била туриб, **мулкый манфаатдор бўлиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

3) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни**

пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

4) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкый манфаатдор бўлиши**, ушбу Кодекснинг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

5) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

6) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, мулкый манфаатдор бўлиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

7) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини** била туриб, **моддий қимматликлар олиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

8) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчининг, тренернинг, спорт ҳакамининг ёхуд спорт мусобақалари бошқа иштирокчиларининг ва ташкилотчиларининг **улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини** била туриб, **мулкий манфаатдор бўлиши**, Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда.

Мазкур қилмишнинг зарурий белгиси ушбу қилмишда Жиноят кодексининг 210 ва 214-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлмаслиги керак.

Ушбу жиноятнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши бўйича Жиноят кодексининг 214¹-моддасида зарур қоидалар назарда тутилмаган.

Мазкур қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, тамагирлик йўли билан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214²-моддасида назарда тутилган спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига

оғдириб олиш жинояти объектив томондан қуйидаги усулларда содир этилади:

1) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

2) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажариши** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкӣ манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

3) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **моддий қимматликлар бериш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

4) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига

улар бажариши лозим бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, уларни мулкий манфаатдор этиш, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

5) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

6) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажариши эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, уларни мулкий манфаатдор этиш, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

7) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳақамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига оғдириб олаётган шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, моддий қимматликлар бериш, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда;

8) спорт мусобақалари натижаларини ёки уларнинг боришини қасддан ўзгартириш мақсадида спортчига, тренерга, спорт ҳакамига ёхуд спорт мусобақаларининг бошқа иштирокчилари ва ташкилотчиларига улар **бажариши мумкин бўлган муайян ҳаракатни пора эвазига** оғдириб олаётган **шахс манфаатларини кўзлаб бажармаслиги** эвазига қонунга хилоф эканлигини била туриб, **уларни мулкӣ манфаатдор этиш**, Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаганда.

Ушбу жиноятнинг зарурий белгиси қилмишнинг Жиноят кодексининг 211 ва 213-моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган ҳолатда содир этилиши саналади.

Жиноят кодексининг 214²-моддасида спорт мусобақалари иштирокчилари ва ташкилотчиларини пора эвазига оғдириб олиш жиноятини ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилиши назарда тутилмаган.

Ушбу қилмишнинг такроран, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Жиноят кодексининг 214²-моддасида агар моддий қимматликлар берган ёки мулкӣ манфаатдор этган шахсга нисбатан моддий қимматликлар ёки мулкӣ манфаат сўраб товламачилик қилинган бўлса ва ушбу шахс жиноий ҳаракатлар содир этилганидан кейин бу ҳақда ўттиз сутка ичида ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлса ва жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, у жавобгарликдан озод этилиши назарда тутилган, бироқ бу қоида Жиноят кодексининг 10-моддасидаги жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, яъни қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт, деган қоидага зид саналади.

Жиноят кодексининг 213-214-моддаларида назарда тутилган анча миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача бўлган миқдор, Жиноят кодексининг 192⁹-, 210-214²-моддаларида назарда тутилган кўп миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача бўлган миқдор, жуда кўп миқдор деганда базавий ҳисоблаш миқдорининг беш юз баравари ва ундан ортиқ бўлган миқдор тушунилади.

Яъни, айбдорнинг қилмишидаги пора суммаси юқоридаги қийматга асосланиб аниқланади.

Жиноят кодексининг 192⁹-, 210-214²-моддаларида назарда тутилган қилмишнинг такроран содир этилиши деганда Жиноят кодексининг 32-моддасида назарда тутилган қоидаларга эътибор бериш керак. Жиноят кодексининг 32-моддасига асосан, ушбу Кодекс Махсус қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексида алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, турли моддаларида назарда тутилган икки ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Яъни шахснинг ҳаракатларини квалификация қилишда унинг Жиноят кодексининг 192⁹-, 210-214²-моддаларида назарда тутилган қилмиш ёки қилмишларни судланганлиги олиб ташланмаган муддат давомида аниқланган жиноятдан олдин содир этган ёки содир этмаганлигини аниқлаш орқали унинг такроран ушбу жиноятни содир этаётганлигини аниқлаш имкони мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармонида асосан, қуйидагиларни назарда тутувчи “Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика” ягона ахборот

тизими (кейинги ўринларда — Ягона ахборот тизими деб юритилади) жорий этилган:

статистик карточкаларнинг электрон шакллари тузиш орқали жинойт ишлари, терговга қадар текширув материаллари, суд муҳокамалари ҳамда суд қарорлари ижроси натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи тариқасида жалб этилган иштирокчилар бўйича маълумотларнинг ягона ҳисобини юритиш;

прокуратура, суд ва бошқа давлат органлари ўртасида дастлабки тергов ва суриштирув органларининг электрон маълумот алмашув шаклини, шу жумладан, ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини интеграция қилиш йўли билан жорий этиш;

жинойт-ҳуқуқий статистикани юритиш тартиб-таомилларини оптималлаштириш ва уни шакллантириш жараёнида инсон омилини истисно этиш.

Шунга кўра, ушбу Фармон билан қуйидаги тартиб белгиланган ва унга кўра:

аниқланган, очилган жинойтлар ёки терговнинг бошқа натижалари, шунингдек, жинойт содир этган шахслар бўйича статистик маълумотлар электрон статистик карточка шакллантириладиган Ягона ахборот тизимига киритилади;

жинойт ишлари ҳамда терговга қадар текширув материалларига тартиб рақамлари Ягона ахборот тизимига тегишли статистик маълумотлар киритилгандагина берилади;

суд муҳокамаси ҳамда суд қарорлари ижросининг натижалари, шунингдек, айбланувчи ва жабрланувчи сифатида жалб этилган шахслар бўйича маълумотлар судлар ва суд қарорлари ижросини амалга оширувчи давлат органлари томонидан электрон статистик карточкаларни тўлдириш йўли билан шакллантирилади;

Ягона ахборот тизимида ахборот алмашув мавжуд маълумотларни рухсатсиз кўришга имкон бермайдиган, ҳимояланган алоқа каналлари орқали амалга оширилади¹⁵.

Демак, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судья шахсининг айнан содир этган қилмишини олдин ҳам содир этган ёки этмаганлигини ва бу бўйича судланган ёки судланмаганлигини ушбу тизим орқали аниқлаш мумкин.

Жиноят кодексининг 32-моддасига асосан, тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади.

Агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Умумий қасд билан қамраб олинган ва ягона мақсадга йўналтирилган бир жиноят таркибини ташкил қилувчи бир-бирига ўхшаш бир неча жиноий қилмишлардан иборат бўлган (давомли) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Вазифаларини узоқ вақт мобайнида бажармасликдан иборат бўлиб, бир жиноятнинг узлуксиз таркибини ташкил қилган (узоққа чўзилган) жиноят такроран содир этилган деб топилмайди.

Жиноят кодексининг 192⁹- ва 213-214²-моддаларида назарда тутилган бир гуруҳ шахслар ва Жиноят кодексининг 192⁹- ва 210-214²-моддаларида назарда тутилган уюшган гуруҳ деганда қилмишни иштирокчиликда содир этилиши тушунилади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ-5566-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

Жиноят кодексининг 27-моддасида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади. Ушбу Кодекснинг 28-29-моддаларига асосан, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилар ҳам жиноят иштирокчилари деб топилади. Жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд ушбу Кодексга мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади. Жиноятга тайёргарлик кўрилишига ёки жиноят содир этилишига раҳбарлик қилган шахс ташкилотчи деб топилади. Жиноят содир этилишига қизиқтирувчи шахс далолатчи деб топилади. Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, кўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йўқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш қуроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади.

Жиноятда иштирокчилик: оддий иштирокчилик, мураккаб иштирокчилик, уюшган гуруҳ, жиноий уюшма шаклида бўлади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктирмай жиноят содир этишда қатнашиши оддий иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида иштирок қилиши мураккаб иштирокчилик деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади.

Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади.

Шунга кўра, Жиноят кодексининг 192⁹- ва 213-214²-моддаларида назарда тутилган **бир гуруҳ шахслар деганда** икки ёки ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб жиноят содир этилишида **иштирок қилиши**, Жиноят кодексининг 192⁹- ва 210-214²-моддаларида назарда тутилган **уюшган гуруҳ деганда** икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргаликда **жиноий фаолият олиб бориш** учун олдиндан **бир гуруҳга бирлашиши** тушунилади.

Жиноят кодексининг 192⁹-, 210- ва 214-214¹-моддаларида назарда тутилган жиноятларни **тамагирлик билан содир** этилиши деганда ушбу Кодексда аниқ қоида мавжуд эмас.

Бирок, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорига асосан, **тамагирлик — мансабдор шахс томонидан фуқаронинг қонуний манфаатларига зарар етказадиган хизматига доир ҳаракатларни содир этиш таҳдиди остида пора талаб қилиш ёки фуқарони унинг қонуний манфаатларига зарар келтирадиган оқибатларнинг олдини олиш учун пора беришга мажбур этадиган шароитга қасдан тушириш** демакдир. Шунинг учун мансабдор шахс томонидан масалан, камомадни кўрсатмаслик, ўқув юртларига тартиб-қоидаларни бузган ҳолда қабул қилиш, жиноят ишини ноқонуний тугатиш ва бошқа ҳолларда пора талаб қилиш ҳаракатларида товламачилик аломатлари мавжуд бўлмайди.

Жиноятнинг ижтимоий хавфлилигини билдирувчи тамагирлик тавсифлаш белгилари жиноят иштирокчиларининг ҳам айбига, агарда бу ҳолатлар уларнинг қасди билан қамраб олинган бўлса, қўйилиши лозим¹⁶.

Бирок, бу юқоридаги қоидалар билан биз қуйидагиларга асосан қўшила олмаймиз.

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

биринчидан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодексининг рус тилидаги таҳририда ушбу Кодекснинг 192⁹-, 210- ва 214-214¹-моддаларида назарда тутилган жиноятларни “*тамагирлик*” билан содир этилиши ҳақида эмас, балки “*товламачилик*” йўли билан содир этилиши назарда тутилган;

иккинчидан, Жиноят кодексининг 165-моддасида **товламачилик**, яъни жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан кўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкрий ҳуқуқни топширишни, мулкрий манфаатлар беришни ёхуд мулкрий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш эканлиги бўйича аниқ қоида мавжуд;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосан, **Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан боғлиқдир. Инсоннинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир. Ҳеч кимга унинг розилигисиз қонунчиликда белгиланмаган мажбурият юклатилиши мумкин эмас.**

Инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонунларнинг, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг моҳияти ва мазмунини белгилайди.

Инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.

Инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига путур етказмаслиги шарт.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун худудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади.

Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар.

тўртинчилан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонунига асосан, Пленум қарори норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида мавжуд эмас.

бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарорининг рус тилидаги таҳририда ғам товламачилик ҳақида сўз юритилган.

олтинчидан, Россия¹⁷, Грузия¹⁸, Қозоғистон¹⁹, Канада²⁰, Қирғизистон²¹, Тожикистон²², Туркманистон²³ каби давлатларда

¹⁷

https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/6411e005f539b666d6f360f202cb7b1c23fe27c3

¹⁸

chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://legislationline.org/sites/default/files/documents/66/GE_O_CC_%202021_ru.pdf.

¹⁹ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#activate_doc=2&pos=407;-102&pos2=5927;-82.

²⁰ <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-51.html#h-121951>.

²¹ <https://cbd.minjust.gov.kg/3-38/edition/2087/ru>.

²² https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=3686;-20.

²³ https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&doc_id2=31295286#pos=231;-102&pos2=1946;-98.

товламачилик йўли билан порахўрлик жиноятларини содир этганлик учун жиний жавобгарлик белгиланган.

етгинчидан, Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг «Пора олиш ва бошқа коррупциявий жиноятларга оид суд амалиёти ҳақида» 2013 йил

9 июлдаги 24-сон қарорига асосан, *пора (Жиноят кодексининг 290-моддаси*

5-қисми «б» банди) ёки тижорат пораси (204-модда 7-қисми «б» банди) товламачилиги деб фақатгина мансабдор шахс ёки тижорат ёки бошқа ташкилотда бошқарув функцияларини амалга оширувчи шахснинг пора бериш ёки тижорат пораси кўринишида ноқонуний мукофот беришни талаб қилишини ва бу талаб қонуний манфаатларга зиён етказиши мумкин бўлган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) билан таҳдид қилиш орқали амалга оширилган ҳолатларни эмас, балки шахсни ўзининг ҳуқуқ билан ҳимоя қилинган манфаатларига зиён етказилишининг олдини олиш мақсадида ушбу мукофотларни беришга мажбур этувчи вазиятларни била туриб яратиш ҳолатларини ҳам тушуниш лозим (масалан, фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқишида қонун билан белгиланган муддатларни атайлаб бузиш). Агар пора ёки тижорат пораси товламачилиги жараёнида мансабдор шахс ёки бошқарув функцияларини бажарувчи шахс ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) орқали фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини жиддий равишида бузса, содир этилган ҳаракат тегшли ҳолатларда Жиноят кодексининг 285, 286 ёки 201-моддалари бўйича қўшимча равишида квалификация қилиниши керак. Жиноят кодексининг 290-моддаси 5-қисми «б» банди ёки 204-моддаси 7-қисми «б» банди бўйича жавобгарлик, шунингдек, товламачилик мансабдор шахс ёки бошқарувчи шахснинг розилиги ёки кўрсатмаси билан, лекин бошқа шахс томонидан, яъни пора ёки тижорат пораси бевосита қабул қилувчи бўлмаган шахс

томонидан амалга оширилган ҳолатларда ҳам қўлланилади. Бу шахснинг ҳаракатлари, тегишли ҳолларда, Жиноят кодексининг 291.1-моддаси бўйича пора олишда воситачилик ёки 204.1-моддаси бўйича тижорат порасида воситачилик деб квалификация қилиниши керак. Пора ёки тижорат пораси жиноятларининг ижтимоий хавфлилигини оширадиган квалификацияловчи белгилар (товламачилик, олдиндан тил бириктириб ёки жиноий гуруҳ таркибида амалга оширилганлик, катта, жуда катта миқдордаги пора олиш ва ҳ.к.) ушбу жиноятларда иштирок этган ҳамжиноятчиларнинг ҳаракатларини юридик баҳолашда, башарти ушбу ҳолатлар уларнинг қасдини қамраб олган бўлса инобатга олиниши лозим.

Жиноят кодексининг 291.1-моддасида назарда тутилган пора воситачилиги ёки 204.1-моддасидаги тижорат пораси воситачилиги учун агар қуйидаги икки шарт бажарилса айбдор жавобгарликдан озод этиши мумкин,:

содир этилган жиноят тўғрисида ихтиёрий хабар берилган бўлса; жиноятни очиш ва (ёки) тергов қилишга фаол кўмак берилган бўлса.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 291 ва 291.2-моддалари (пора бериш), ҳамда 204-модданинг 1-4 қисмлари ва 204.2-моддаси (тижорат пораси бериш) бўйича жавобгарликдан озод этиши учун қуйидагилар талаб қилинади:

жиноятни очиш ва (ёки) олдини олишга фаол кўмак бериш; жиноят тўғрисида ихтиёрий равишда хабар бериш ёки пора (тижорат пораси) товламачилик асосида берилганлигини исботлаш.

Ихтиёрий хабар бериш аризачининг қандай сабабларга кўра мурожат қилганига қарамай, ҳақиқатан ихтиёрий деб эътироф этилади. Бироқ, шахс ушбу жиноятни содир этганликда гумон қилиниб ушланган пайтда билдирган маълумотлар ихтиёрий ҳисобланмайди.

Фаол кўмак – бу жиноят иштирокчилари (пора олувчи, пора берувчи, воситачи ва ҳ.к.)ни фош этиши, берилган пул ёки қимматбаҳо ашёларни аниқлаш ва бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни ўз ичига олади.

Жиноятни очилиши ва (ёки) тергов қилишига фаол кўмак берган ҳамда улардан пора ёки тижорат пораси товламачилик орқали талаб қилинган бўлса, бундай шахслар жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин. Бироқ, бу ҳолат уларнинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас дегани эмас. Шундай шахслар жабрланувчи деб тан олинмайди ва улар пора (ёки тижорат пораси) сифатида берилган қимматликларни қайтариб беришни талаб қилиши ҳуқуқига эга эмас.

Порани товламачилик таъсири остида беришдан фарқ қилиб, айрим ҳолатларда шахс жуда қаттиқ заруратда ёки руҳий босим остида мансабдор шахсга пул, мулк, ҳуқуқ ёки моддий хизмат кўрсатишига мажбур бўлиши мумкин. Бундай ҳолатларда (Жиноят кодексининг 39-моддаси ва 40-модда 2-қисмига мувофиқ) бошқа чора бўлмаган тақдирда, шахс жавобгарликдан озод этилади ва мансабдор шахс томонидан олинган мулк эгасига қайтарилиши керак.

Агар шахсдан пора ёки тижорат пораси талаб қилинган бўлса ва у бу ҳақда пул ёки қимматбаҳо нарсаларни бермасдан аввал ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга ихтиёрий равишда хабар берган бўлса, у ҳолда унинг ҳаракатларида жиноят таркиби мавжуд эмас деб ҳисобланади. Агар ушбу маблағлар махсус назорат остида, товламачи шахсни қўлга олиш мақсадида берилган бўлса, пуллар ва бошқа қимматликлар қонуний эгасига қайтарилиши лозим²⁴;

саккизинчидан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, тамагирлик бировдан бир нарса кутиш ва шунинг илинжида бўлиш ёки шу

²⁴ Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг «Пора олиш ва бошқа коррупциявий жиноятларга оид суд амалиёти ҳақида» 2013 йил 9 июлдаги 24-сон қарори // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_149092/.

мақсаддаги хатти-ҳаракат тушунилади²⁵, товламачилик эса, алдаш, лақиллатиш, кўрқитиш йўли билан кишининг мол-мулки, пулини олиб кўйиш, ундан фойдаланиш саналади²⁶.

Юқоридагиларга кўра айтадиган бўлсак, товламачилик ва тамагирчилик ўзаро фарқ қилган ҳолда, рус тилидаги таржима билан ўзбек тилидаги таржима ўртасида жиддий фарқ бор, товламачилик рус тилида «**вымогательство**», тамагарлик «**корыстолюбие**» деб таржима қилинади, қолаверса, Пленум қарорини инсоннинг тақдирини ҳал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат эмас, шунингдек, хорижий тажрибада ҳам тамагирлик билан боғлиқ қоидалар назарда тутилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддасининг иккинчи қисми “в”-бандини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

«в) товламачилик йўли билан;».

Таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 192⁹-192¹⁰-, 210-214²-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилиши назарда тутилмаган бўлса-да, ҳозирча Жиноят ҳуқуқи назариясига кўра, у жиноятни содир этиш усули ва воситаси объектив томоннинг факультатив белгилари ҳисобланса-да, аслида Жиноят кодексига тегишли ўзгартириш ва кўшимчалар киритилиши натижасида бу жиноятларнинг ахборот-коммуникация технологиялари фойдаланиб содир этилишида бу технологиялар қилмишнинг конструктив (асосий) белгисига айланади. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда пора бериш ва олишнинг моддий ифодаси анъанавий “қўлдан-қўлга” узатишдан тубдан фарқ қилади. Бунда ахборот-коммуникация технологиялари бир вақтнинг ўзида ҳам жиноят содир этиш воситаси (смартфон, компьютер,

²⁵ <https://izoh.uz/uz/word/tamagirlik>.

²⁶ chrome-extension://efaidnbmnnnibpcajpcglclefindmkaj/https://tiu-edu.uz/media/books/2024/06/05/4-tom.pdf.

телекоммуникация ёки интернет тармоғи ва ҳк.), ҳам жинойт содир этиш усули (электрон транзакцияларни амалга ошириш, масофавий алоқа каналларидан фойдаланиш, криптоўтказмалар ва ҳк.) сифатида намоён бўлади. Рақамли платформалар (электрон ҳамёнлар, P2P платформалари, криптобиржалар ва ҳк.) орқали поранинг узатилиши порахўрликнинг объектив томонини масофавий, чегара билмас ва латентлик даражаси ўта юқори бўлган қилмишга айлантиради. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда поранинг моддий ифодаси жисмоний ашё эмас, балки электрон ёзувлар, рақамли кодлар ва дастурий алгоритмлар (смарт-контрактлар) ва бошқа рақамли далиллар (излар) кўринишида шаклланади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Жинойт ҳукуқи назариясига кўра, порахўрлик (пора олиш ва бериш) жинойтлари пора олувчи поранинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини қабул қилган пайдан бошлаб жинойт тамомланган ҳисобланади. Бироқ, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган порахўрлик жинойтларида жинойтнинг тамом бўлиш пайтини белгилаш ўзига хос мураккабликларга эга. Хусусан, бу борада қуйидаги савол бўлиши мумкин:

Электрон тўловлар ва криптоактивлар орқали пора берилганда жинойт қачон тамомланган ҳисобланади?

Транзакция тасдиқланган пайтдами ёки маблағ нақдлаштирилгандами?

Бизнинг илмий хулосамизга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилган порахўрлик жинойти пора берувчи томонидан электрон пул ёки криптоактивларни ўтказиш (send) тугмаси босилган вақтда эмас, балки ушбу рақамли маблағлар пора олувчининг ёки унинг розилиги билан воситачининг ёхуд учинчи шахснинг электрон ҳамёнига ёки крипто-ҳамёнига (wallet) келиб тушган ва мансабдор шахс ушбу маблағларни тасарруф этишнинг реал имкониятига эга бўлган,

масалан, блокчейн тармоғида транзакция тасдиқланган пайтдан бошлаб тамомланган ҳисобланади. Айбдор ушбу электрон маблағларни нақдлаштирган ёки нақдлаштирмаганлиги жиноятнинг квалификациясига ва тамом бўлиш пайтига таъсир қилмайди. Агар маблағлар пора олувчининг электрон манзилига юборилган, лекин техник хатолик ёки тизим блокировкаси сабабли етиб бормаган бўлса, қилмиш пора беришга суиқасд, мисол учун ЖК 25-, 211-моддалари ва хк. сифатида квалификация қилиниши лозим.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилаётган порахўрлик жиноятларини ахборот тизими ёки технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган киберфирибгарлик ва электрон тўлов воситалари билан боғлиқ бошқа жиноятлардан тўғри фарқлаш суд-тергов амалиётида муҳим аҳамият касб этади.

Уларнинг асосий фарқловчи белгилари қуйидагича намоён бўлади:

1) объектив борлиқ ва имконият: киберфирибгарликда айбдор ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб жабрланувчининг пулларини (электрон маблағларини) алдаш ёки ишончга кириш йўли билан қўлга киритади, лекин унда ваъда қилинган хизматни бажариш учун ҳеч қандай реал мансаб ваколоти ёки имконият бўлмайди. Порахўрликда эса, мансабдор шахс ўзининг реал хизмат ваколатларидан ёки мансаб мавқеидан фойдаланиш имкониятига эга бўлади;

2) қасднинг йўналтирилганлиги: агар шахс интернет орқали ўзини мансабдор шахс сифатида таништириб ёки сохта профил яратиб, ўзганинг электрон маблағларини ўзлаштира ва ҳеч қандай ҳаракатни бажаришни ният қилмаган бўлса, бу порахўрлик эмас, балки киберфирибгарликдир;

3) электрон тўлов тизимларига ноқонуний киришдан фарқи: Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш (ЖК 278-

2-моддаси) ёки киберўғрилик (ЖК 169-моддаси) жиноятларида электрон тўлов тизимига жабрланувчининг эркидан ташқари, ноқонуний бузиб кирилади (хакерлик). Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрликда эса транзакция, гарчи қонунга хилоф ва жиноий мақсадда бўлса-да пора берувчи томонидан ўз эрки билан, ихтиёрий равишда амалга оширилади. Иккала тараф ҳам рақамли маблағларни узатиш ва қабул қилишни англаган ҳолда бошқаради.

Ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этилаётган порахўрлик жиноятлари объектив белгиларининг жиноий-ҳуқуқий таҳлили бўйича хулоса қиладиган бўлсак, ЖК моддаларини шунчаки ўзгартириш эмас, балки “Киберкоррупциянинг жиноий-ҳуқуқий модели”ни яратиб, у асосида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган порахўрлик жиноятларида ахборот-коммуникация технологиялари бу фақат жиноят содир этиш усули деган эски доктринадан воз кечиб, янги концепцияда бу технология нафақат усул, балки жиноятнинг кибермуҳит, шу жумладан, кибермакони эканлигини инобатга олишимиз зарур. Бу муҳит, шу жумладан, маконда жиноятнинг объекти, предмети ва вақти трансформацияга учрайди. Биз томонимиздан илгари сурилаётган концепцияга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари билан содир этилаётган порахўрлик бу анъанавий коррупциянинг давоми эмас, балки “гибрид жиноят” бўлиб, унда жиноий тажовузнинг классик элементлари виртуаллашиб, рақамли ҳолатга келади. Бунда “субъект-объект” муносабатлари ўрнини “субъект-тизим-объект” занжири эгаллайди. Шу сабабли, жавобгарликни белгилашда фақат шахснинг ҳаракатига эмас, балки унинг рақамли тизимга таъсир ўтказиш даражасига қараб баҳо бериш доктринал янгилик ҳисобланади. Шу билан бирга, пора предметини “рақамли актив ва виртуал имтиёзлар” сифатида квалификация қилиш ва пора бу фақат мулк

эмас, балки шахсга рақамли муҳитда устунлик берадиган ҳар қандай ахборот коди ёки алгоритмик имконият саналади, эски ёндашувга кўра, пул картага тушган вақтдан бошлаб порахўрлик жиноятлари тамом бўлган саналади, янги концепцияга кўра эса, ахборот-коммуникация технологиялари орқали порахўрликда жиноятнинг тамом бўлиш вақтини “маълумотга эгалик қилиш ва уни бошқариш имконияти пайдо бўлган вақт” (Doctrine of Digital Control) деб белгилаш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 474-б.
2. <https://public.sud.uz/report/CRIMINAL>.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида” 1996 йил 26 декабрдаги 343-И-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” 2012 йил 2 майдаги ЎРҚ–328-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги ПФ–14-сон Фармони билан тасдиқланган Республика ижро этувчи ҳокимият органлари — вазирликлар, кўмиталар, агентликлар ва инспекцияларнинг ягона рўйхати // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й., 478, 554, 562-, 565, 567-б.
9. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
11. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида” 1999 йил 24 сентябрдаги 19-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари базаси.
12. https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/6411e005f539b666d6f360f202cb7b1c23fe27c3/.
13. chrome-extension://efaidnbnmnnibpcajpcglclefindmkaj/https://legislationline.org/sites/default/files/documents/66/GEO_CC_%202021_ru.pdf.
14. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575252&doc_id2=31575252#activate_doc=2&pos=407;-102&pos2=5927;-82.
15. <https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/page-51.html#h-121951>.
16. <https://cbd.minjust.gov.kg/3-38/edition/2087/ru>.



17. https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325#pos=3686;-20.
18. https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&doc_id2=31295286#pos=231;-102&pos2=1946;-98.
19. Россия Федерацияси Олий суди Пленумининг «Пора олиш ва бошқа коррупциявий жиноятларга оид суд амалиёти ҳақида» 2013 йил 9 июлдаги 24-сон қарори // https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_149092/.
20. <https://izoh.uz/uz/word/tamagirlik>.
21. chrome-extension://efaidnbnmnnibpcajpcglclefindmkaj/https://tiu-edu.uz/media/books/2024/06/05/4-tom.pdf.

